

Ўзбекистон
1991-2007
йилларда

“Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажоғи учун” деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 2007 йилги жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани, халқроқ мусобақаларда унвонли шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчи ёшларни тарбиялашга, ўзбек футболининг шухрати дунёга танитиш, унинг нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшгани учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Исмаилов Анвар Акбарович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийси

“Ўзбекистон ифтихори”

Абдурахмонов Азиз Абдукаримович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Азимов Азизжон Каримович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Сулеймонов Павел Таджибаевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ташходжаев Зоҳидходжа Олимович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Турсунбаев Хайдарали Умаралиевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Шуқуров Абдукамил Абдулазизович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 ноябрь

Туйғулари жўш урди, бошим осмонга етди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси Абдукамил ШУҚУРОВ:

— Миллий терма жамоасининг ушбу улкан ғалабаси — мамлакатимизда аҳолининг барча қатламлари сингари ногиронлар ўртасида ҳам спортни ривожлантиришга, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган доимий эътибор самарасидир. Давлатимиз раҳбари Ислам

Каримовнинг биз, ногиронларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ҳақидаги хабарини у пахта даласида эшитди. Уйига келиб, янгиликдан нуруний онасини бохабар қилди.

Орадан йиллар ўтди. Истикболли кунларда одамлар манфаати устуворлигини таъминловчи қонулар қабул қилинди. Улардан бири қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш ва бу жойларда мулкдорлар синфини шакллантириш

Муҳаммад АМИН
(ЎЗА) олган сурат.

Юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси

Туркиянинг Анталия шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича дунёнинг энг кучли терма жамоалари иштирокида ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик футболчилар бош совринни қўлга киритиб, жаҳон чемпиони деган юксак шарафга мувожаз бўлдилар.

Туркияда ўзбекистонлик ногирон-футболчилар дунёда тенгсиз эканини исботлади. Ўзбекистон терма жамоаси уч карра жаҳон чемпиони — Бразилияни 4:2, Сьерра-Леоне 3:0, Эронни 3:1, Нигерияни 3:0 ҳамда Украинани 2:0 ҳисобида маглубиятга учратиб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади ва чорак финалга йўлланма олди.

Кейинги босқичда эса Африка қитъаси вакили — Либерияни 7:1, мусобақа мезбони — Туркия терма жамоасини 2:1 ҳисобида маглубиятга учратган ҳамюртларимиз финалда уч карра жаҳон чемпиони — Россия терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Сақсия учрашувда сақсияга гол киритган ҳужумчимиз Абдукамил Шуқуров “Энг яхши тўпурар” совринига сазовор бўлди.

Таъкидламоқ лозимки, бу терма жамоасининг жорий йилдаги ягона ғалабаси эмас. Матонатли ҳамюртларимиз сентябрь ойида Россиянинг



Нижний-Новгород шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) кубоғи учун ўтказилган мусобақада ҳам бош соврин соҳиби бўлган эдилар.

Ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси 22 ноябрь кuni Ватанимизга қайтди. Тошкент аэропортида уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт

ишлари вазирлиги, Миллий параолимпия асоциацияси, Футбол федерацияси раҳбарлари, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини қайта тиклаш ва мустақамлаш, уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Тадбирда

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий параолимпия асоциацияси, Футбол федерацияси раҳбарлари, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

талаётгани таъкидланди. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийси Анвар ИСМОИЛОВ:

— Туркияда ўтган жаҳон чемпионатида йнгитларимиз юксак маҳоратидан ташқари, кучли иродага эга эканини яна бир бор намойиш қилди. Футболчиларимиз беллашувлар давомида мамлакатимиз Президентини, бутун халқимиз

“Менинг Конституция” танловига

Шуқурон кунлар қадри

Асакалик Ҳошимжон Парпиев ота-онаси билан тумандаги Бобур номи хўжаликка кўчиб келишганида ҳали жуда ёш эди. Отаси Парпи акага 12 нафар фарзандни вояга етказишининг ўзи бўлмади. Тонгини тунга улаб меҳнат қилди, хўжаликнинг қўйчилик отари кетидан таёқ кўтариб, 40 йил юрди. Бирга етказса, бошқасида камчиликларга дуч келганда ҳам биронинг ҳақиқига кўз олайтирарди.

Бир кун отарни сувлатгандан сўнг саккизинчи фарзанди Ҳошимжонни қаватиға олиб, адир бағридаги дўлана тағида салқинлаб ўтиришарди. Узоқдан хўжаликнинг қўш машинаси шу томонга кела бошлади. Ҳар гал шу машина билан келганларга бош чўпон раис ёзиб берган қоғоз бўйича, энг семиз қўйлардан 2-3 бошини бериб юборарди. Акага олиб бош чўпон уч кунда қайтаман, деб аллақадерга кетган.

Хўжалик вакили машинадан тўшаркан саломаликни ҳам унутиб, бош чўпонни суради. Йўқлигини эшитган, раис 4 бош қўй бериб юборилганларини тайинлаганини айтди.

Ноқонуний ишларга ўрганмаган Парпи чўпон уни рад этди. Ана шундан сўнг кимсан хўжалик раиси фалончиенин сўзини бажармаган чўпоннинг бошига не кунлар тушмади: табиий офат туфайли ҳаром ўлган қўйлар чиким қилинмасдан унинг гарданига юклатилди. Тўй учун, базми-жамшидлар учун юборилганлари ҳам шу қишининг ҳисобидан ундирилди.

Орадан йиллар ўтган бўлса-да, Ҳошимжоннинг ҳали-ҳануз эсида турибди: ёши бир жойга бориб қолган одам ноҳақликларга чидалмай уввос тортиб йилгаса, ёмон бўларкан. Отаси овлоқдаги молхонага кириб, ўқиб-ўқиб кўз ёши тўқаётганда устига бориб қолганди.

— Болам, бундай ноҳақликларни насиб этса, сёнлар кўрмайсан, қонулар одамлар учун хизмат қиладиган дамлар келлади, — деганди раҳматли отаси.

Умри қўйчиликда ўтиб, на мактабни кўрган, на ёзишни билган падари ўзи оруз қилгандек дориламон кунларни кўролмади.

Бўш вақтлари уйда паррандачиликни ривожлантириб, бош сонини 3 мингга етказди. Юрт истикболли бўлгани ҳақидаги хабарини у пахта даласида эшитди. Уйига келиб, янгиликдан нуруний онасини бохабар қилди.

Орадан йиллар ўтди. Истикболли кунларда одамлар манфаати устуворлигини таъминловчи қонулар қабул қилинди. Улардан бири қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш ва бу жойларда мулкдорлар синфини шакллантириш

аликни ҳам унутиб, бош чўпонни суради. Йўқлигини эшитган, раис 4 бош қўй бериб юборилганларини тайинлаганини айтди.

Ноқонуний ишларга ўрганмаган Парпи чўпон уни рад этди. Ана шундан сўнг кимсан хўжалик раиси фалончиенин сўзини бажармаган чўпоннинг бошига не кунлар тушмади: табиий офат туфайли ҳаром ўлган қўйлар чиким қилинмасдан унинг гарданига юклатилди. Тўй учун, базми-жамшидлар учун юборилганлари ҳам шу қишининг ҳисобидан ундирилди.

Орадан йиллар ўтган бўлса-да, Ҳошимжоннинг ҳали-ҳануз эсида турибди: ёши бир жойга бориб қолган одам ноҳақликларга чидалмай уввос тортиб йилгаса, ёмон бўларкан. Отаси овлоқдаги молхонага кириб, ўқиб-ўқиб кўз ёши тўқаётганда устига бориб қолганди.

— Болам, бундай ноҳақликларни насиб этса, сёнлар кўрмайсан, қонулар одамлар учун хизмат қиладиган дамлар келлади, — деганди раҳматли отаси.

Бўш вақтлари уйда паррандачиликни ривожлантириб, бош сонини 3 мингга етказди. Юрт истикболли бўлгани ҳақидаги хабарини у пахта даласида эшитди. Уйига келиб, янгиликдан нуруний онасини бохабар қилди.

Орадан йиллар ўтди. Истикболли кунларда одамлар манфаати устуворлигини таъминловчи қонулар қабул қилинди. Улардан бири қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш ва бу жойларда мулкдорлар синфини шакллантириш

аликни ҳам унутиб, бош чўпонни суради. Йўқлигини эшитган, раис 4 бош қўй бериб юборилганларини тайинлаганини айтди.

Ноқонуний ишларга ўрганмаган Парпи чўпон уни рад этди. Ана шундан сўнг кимсан хўжалик раиси фалончиенин сўзини бажармаган чўпоннинг бошига не кунлар тушмади: табиий офат туфайли ҳаром ўлган қўйлар чиким қилинмасдан унинг гарданига юклатилди. Тўй учун, базми-жамшидлар учун юборилганлари ҳам шу қишининг ҳисобидан ундирилди.

Орадан йиллар ўтган бўлса-да, Ҳошимжоннинг ҳали-ҳануз эсида турибди: ёши бир жойга бориб қолган одам ноҳақликларга чидалмай уввос тортиб йилгаса, ёмон бўларкан. Отаси овлоқдаги молхонага кириб, ўқиб-ўқиб кўз ёши тўқаётганда устига бориб қолганди.

— Болам, бундай ноҳақликларни насиб этса, сёнлар кўрмайсан, қонулар одамлар учун хизмат қиладиган дамлар келлади, — деганди раҳматли отаси.

Энергетиклар шаҳри — Тахياتошдаги бу маскани нафақат Қорақалпоғистонда, балки Хоразм вилоятидаги қариялар ҳам яхши билишади. “Уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси”да ҳар йили 1,5 минг нафардан ортиқ кексалар саломатликларини мустаҳкамлаб олишади.

Қадди сарбаланд қариялар

Сихаттоҳда асосан суяк-мушак, асаб касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Шунингдек, стоматологик даволаш хоналари ҳам фахрийлар хизматида. Барча даволаш хоналаридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар узлуксиз ишлаб турибди. Сирасини айтганда, намунали хизматлардан даволанувчилар миннатдор.

— Бу жойда шарт-шароитларни кўриб чин дилдан ҳайратландик, — дейди Хоразм вилоятидан келиб даволаётган 86 ёшли меҳнат ва уруш фахрийси Евбосар ота Юсупов. — Кардиолог Комилжон Бекиёзов, ҳамширалар

Равшанжон, Фазилатхон, навбатчи Дилором, ошхона мутасаддиси Норул Мамбетқулов одамлар саломатлигини тиклашда доимо камрабасталик қилишаётган жонқуялардан.

Беруний шаҳридан келиб, муолажа ва ҳордиқ олиб саломатлигини мустаҳкамлаётган 81 ёшли Саларбой Примов ҳам санаторий мутахассисларидан мамнун.

Бош шифокор Жумагул Алпиевнинг таъкидлашича, қариялар ҳар томонлама эътиборталаб. Бунга яхши тушунган шифокор ва ҳамширалар, бошқа хизмат ходимлари ҳар кун талаб даражасида иш олиб боришади. Шунингдек, санаторий-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

нинг моддий-техника базаси мустаҳкамлигига юқори таъкилотлар, ҳомийлар етарли эътибор беришади. Жумладан, ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган даврида салкам 9 миллион сўмлик зарур тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Шундан 2.535 миң сўмлик маблағ ҳомийлар томонидан ажратилди. Жиҳозлаш, янги қўшимча бинолар қуриш учун “Тахياتошдон”, “Тахياتошнефть” унитар корхонаси, “Қорақалпоқўстутсаудо” ташкилотлари, шаҳар ҳокимияти томонидан ҳам 20 миллион сўмлик қўмақлар кўрсатилди.

Даволанувчиларнинг мириқиб дам олишлари, ҳар хил байрамларни кўнгилли ўтказишлари учун шароитлар яратилган. Ҳар ҳафтада кизкилари учрашувлар ташкиллаштирилади. Мазкур маскандаги кутубхона хизмати ҳам қарияларни мамнун қилапти.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Кун тартибида: баркамол инсон тарбияси

Гулистон Давлат Университетида “Узлуксиз таълим тизимида маънавий касбий баркамол шахс тарбияси” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган анжуманда мамлакатимизда таълимга берилётган эътибор, ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук, билимли қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида муҳокама қилинган. Бу ҳақида ахборот тараққиёти юксак бўлган даврда бир пайтда малакали кадрларгина юрт раванлига муносиб улуш қўша олади. Бу борада эса замон бизнинг олдимизга бир талай вазифаларни қўймоқда.


Анжуман иштирокчилари таълим тизимини янада такомиллаштириш, жойлардаги мавжуд муаммолар таҳлили ва вазифалар ечими борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Илмий анжуман ишида тегишли вазирликлар, идоралар Гулистон Давлат Университети профессор-ўқитувчилари ҳамда оҳа мутахассислари иштирок этишди.

Ортиқ СУЛТОНОВ
Сирдарё вилояти

ОБУНА — 2008

“Қишлоқ ҳаёти” ва унинг иловаси “Ҳаёт” газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадий асарларни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шошилинг!

“Ўзбекистон почтаси”, “Матбуот тарқатувчи” идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Тахририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича “Қишлоқ ҳаёти” ва “Ҳаёт” газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса “Ҳаёт” газетасининг ўзига обуна расмийлаштирилаяпти.



Шукуҳан кунлар қаари

(Боши 1-саҳифада)

Даромад ҳисобидан ҳар йили кўша-кўша техникалар олиб, фермерчиликни янада ривожлантириш каторида ободонлаштириш ва иқтисодий масалаларни рўйб топтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Шундай бўлса-да, эришилаётган натижалар унинг кўнглига таскин беролмасди. Қалбда барбир ота касби тугён урарди. Ширкат негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этилаётганда тугатиш комиссияси ва кўпни кўрган тажрибали кишилар чорвачилик фермасини Ҳошимжондан бошқаси эплломаслигини айтишди. Бунинг сабаби илгари ана шу фермаҳоналарда 1500 бош қорамол сақланиб, тонна-тонна гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилган. Аммо бошқа соҳалар каторида чорвачилик ҳам ўз холига ташлаб қўйилганлиги боис, номигагина 120 бош қорамол сақланаётгани.

Қисқаси ўтган йили кузда 120 бош мол кимошди савдоси орқали сотиб олиниб, чорва ва паррандачиликка ихтисослашган "Парпи-саховати" фермер ҳўжалигига асос солинди. Каттагина маблағ сарфланиб, озуқа базаси яратилганидан сўнг жониворлар рацион асосида парваришланишига эътибор кучайтирилди. Айни пайтда гўшт ва сут етиштириш ҳамда давлатга сотиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, "Родонит-3" насли оона товуқлар ҳам келтирилиб парваришланди.

Паррандачилик биланга катта даромад манбаи экан. Яхши қараб, тушканича унга маблағ сарфланса, тушдан кейин у сизга икки ҳисса қилиб қайтараркан. Мулкдор ҳам шу соҳага меҳр қўйди. Бош сонини 20 минггага етказди. Озуқа захирасини амлаб, ишловчилар кўнглини олди. Айни пайтда ҳар кунни ўртача 15 минг донадан туҳум шартнома асосида шаҳар ва туман савдо кор-

хоналарига етказиб берилаётти. Агар бу пулга чақилса, кунига камидан миллион сўм даромад дегани. Мулкдор толганини элга улашадиганлардан. Ҳомийлигидаги 4 та болалар боғчаси ва 2 та мактабга ҳар кун сут-қатик, туҳум етказиб беради. Шунингдек, 14 нафар ёлғизлар, 6 та кам даромадли оилалар, 8 нафар етим болалар ва 5 нафар ногирон кишилар у етиштираётган маҳсулотлардан баҳраманд бўлишаёпти.

— Ким эдигу, ким бўлди. Илгари хусусий мулк фермер деган гаплар бормиди? — дейди биз билан суҳбатда Ҳошимжон Парпиев. — Мустақиллик эрк ва эркинлик ато этган бўлса, Бош қомусимиз — Конституция ҳақ-ҳўқуқларимизни кафолатлади. — Унинг 53-моддасида "Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир", дейилган жумлалар бор. Ҳар гал уни қўлга олганда мени мулкдор қилиб

танитган ана шу жумлаларни такрор ва такрор ўқийман ва уйга толаман, — дея таъкидлайди у. — Отам 40 йил кўйчўпон бўлиб, 8 сотих томорқага зўрға эришганди. Минглаб қўйни боққан бўлса-да, ўзимизнинг 1 бош сизиримиз йўқ эди. Бу гапларни кимнингдир раҳмини келтириш учун ёки шунчаки айтмапман. Ахир, борни — бор, дейиш керак-да! Уша кунларни бошидан кечирган, катта оиланда қийинчиликларни кўрган фарзанд сифатида айтмапман. Энди эса ўзимнинг 150 гектар ерим бор, минглаб парранда ва озаб бош молларим бор. Ўзим ҳам, маҳалладошларим ҳам бирга ишлаб, кам бўлмалимиз. Қўша-қўша тўйлар қилдик, машиналар олдик, замонавий уйлар қуряпмиз, дея эътироф этади у киши.

Истиқлол туфайли мулкдорлик қилиб, ҳукуматимиз яратиб бераётган имкониятлардан баҳраманд бўлаётган ана шу фермернинг иш-

лаб чиқаришни ривожлантириб, ўзига ва бошқаларга нафи тегаетганига, унинг дунёқараш-ю, муносабатларига қисқача тўхтадик, холос. Аслида уларнинг барчасини бир-бир сўзласак, жуда кўп. Шунингдек, келажакка йўғрилган истиқболли режалари ҳам бир талай: чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган минитехнологияни олиб келиш, қўшимча яна 80 нафар кишининг бандлигини таъминлаш, қаровчиси бўлмаган 14 оилага замонавий уйлар қуриб бериш, энг муҳими, ишлаб чиқаришдан тошган соф даромад ҳисобига келгуси йилдан ихтисослашган "Конституция мактаби"ни қуриш шулар жумласидандир. Эътиборлиси, буларнинг барчаси мулкдорнинг бизнес-режа-сига киритилган ва ҳозирдан шунга мўлжалланган маблағ ҳам жамғариб борилаёпти. Ҳошимжон Парпиевнинг барча саъй-ҳаракатлари ён-атрофдаги яратилган ҳам зийрак, оғоҳ бўлғиларга, яратилган шариот ҳамда имтиёзлардан унумли фойдаланишга ундаши шўбҳасиздир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Андижон вилояти

Божхона

Компьютер контрабандаси

Давлат божхона қўмитаси контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси ходимлари ҳамда Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан "Нью-Йорк — Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган фуқаро М.Абдураҳмонова божхона назоратидан ўтказилганда, ушбу аёл божхона баённомасида кўрсатилмаган, қиймати 12 миллион сўмлик кўп миқдордаги компьютер бутловчи қисмлари ва ҳар хил электротехника буюмларини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринганлиги фош этилди.

Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари яна бир ҳолатда "Нью-Йорк — Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган фуқаро А.Каминовни божхона назоратидан ўтказилганда, у божхона баённомасида кўрсатилмаган, нархи 15 миллион сўмлик 10 дона ноутбукларни юртимизга ноқонуний равишда олиб кирмоқчи бўлганлигини аниқлашди.

Мақсадига етолмаган "учар"лар

Давлат божхона қўмитаси ходимлари тарихий, маданий бойликларимизни юртимизга ҳудудидан ноқонуний тарзда олиб чиқишнинг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари "Тошкент — Куала-Лумпур" йўналиши бўйича учиб кетаётган сингапурлик Муҳаммад Кир Бин Жохани божхона назоратидан ўтказилганда, ушбу шахс тарихий аҳамиятга эга бўлган худудидан олиб чиқишни тақиқланган маданий бойликларни олиб кетаётганлиги аниқланди.

Текшириш давомида улар орасида қадимий китоб, гилам, сўзана, дўппи каби жами 33 дона ҳар хил буюмлар борлиги маълум бўлди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Келес" темир йўл божхона пости ходимлари томонидан "Тошкент — Уфа" йўналиши бўйича ҳаракатланувчи поезд йўловчиларининг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, фуқаро Ф.Маликов 1898-1947 йилларда зарб этилган жами 107 дона пул бирликларини юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқмоқчи бўлганлиги ошкор бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, республикамиз божхоначилари томонидан ўтган 2006 йил давомида жами 47 та ҳолатда 400 донага яқин тарихий аҳамиятга эга бўлган бойликларимиз юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқилаётганда тўхтатиб қолинган эди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 49 та ҳолатда 644 дона осорياتқалар, тарихий, маданий бойликларнинг четга олиб чиқишнинг олди олинди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.

Қишлоқ мулкдорлари Жарқўрғонлик фермер-олим унинг деҳқончиликка ҳам илмий, ҳам тажрибалар асосида ёндашуви ўз самарасини бермоқда

Чори Чўтўлотовга ерга бўлган меҳр падади бузруквори Чўтўлут акадан юққан. Ғалладан ҳам, пахтадан ҳам баракали хирмон яратишининг ҳадисини олган деҳқон эди у. Қарийб олтинчи йил умрини эрта тонгдан қош қорайгунча далада ўтказган ота бир этак ўғил-қизларни пок лўқма едириб, вояга етказди. Ана шу солиҳ фарзандларидан бири Чори.

У Санкт-Петербургдаги аграр университетда таълим олди. Иш фаолиятини Норали Боймуродов номли жамоа ҳўжалигида агрономликдан бошлади. Вилоят мева ва сабзавотчилик бирлашмасида ишлади.

У кейинчалик туман қишлоқ ҳўжалик бошқармасига бошчилик қилди. Бу орада номзодлик илмий ишини ёқлади. Олим-агроном илмий даражасига эга бўлди.

Истиқлол йилларида ҳўжалик юртишида янги имкониятлар пайдо бўлди. Чори Чўтўлотов фермерчилик ҳаракатининг ташаббускорлари сафига қўшилди. Сурхон дарёси соҳилидаги тўқайзордан ўн гектар ер очиб, ғалла экди. Олим-агроном, тажрибали раҳбар, тадбиркор мутахассис эмасми, дастлабки йилдаёқ ўз салоҳиятини кўрсатди. Хосилдорлик 45 центнердан ошди.

Кейинги йилларда экин майдонларини кенгайтириб бориш баробарида хосилдорлик ҳам оширилди. Ғалла экилган майдонларда 81 центнергача хирмон уйилди. Унинг ўрнида пахта етиштириш йўлга қўйилди. Ҳар йили биринчи теримдаёқ шартнома режасини адо этиб, катта қарвоннинг олдинги сафидан ўрин олиб келмоқда.

— Бунинг биринчи омил, — дейди у, — ҳали шудгор қилинмай ёрни қафтдек текислаш. Иккинчидан, фосфорли, калийли маъданлар билан бир қаторда, таркибиди микроэлементлар кўп бўлган тупроқни маҳаллий ўғит билан аралаштириб экин майдонларига сочишдир. Ғўза гулга кирган пайтда унинг маъданларга бўлган эҳтиёжи кўчяди, талаби ошади. Ушундан чўқур кетган илдиларни орқали ердан озуқа олади, тўйинади. Учунчидан ёрни текислагандан сўнг эрта баҳорда пушта олишга алоҳида эътибор қаратамиз. Февралнинг охири, март ойининг бошларида яқоб сувига алоҳида эътибор берамиз.

Тўртинчидан, биринчи сувга қадар ғўза қатор ораларига 5-6 марта ишлов бериб, ҳар гектар ғўза майдонларига 600-700 килограммдан маъдани ўғит солиш иш мезонимизга айланган. Экинни 10 июнча биринчи сувга қондирамиз. Зараркунанда ҳашаротларга чигит экилгунга қадар қарши курашамиз. Мана шу тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш бизнинг илгорлик сиримиз саналади.

Чори Чўтўлотов раҳбарлик қилаётган "Жарқўрғон" фермер ҳўжалигининг ўн етти нафар ишчилари бу йил ҳам мўл ҳосил ишқиди ёниб ашадилар. Давлатга 130 тонна пахта топширилди. Хосилдорлик гектар бошига 42 центнердан тўғри келди.

Яна бир гап. Чори ака ўтган йили пахта етиштиришда қилган сарф-ҳарajatга нисбатан бир ярим баробардан кўпроқ даромад кўрди. Давлатга сотилган қокори сифатли қимматли хом ашё ҳўжалик ҳазинасига 67 миллион сўм пул олиб келди. Соф фойда эса 25 миллион сўмдан ошди. Ушбу маблағ ҳисобидан ҳўжалик МТЗ-80 русумли трактор харид қилди. Ҳимати баланд, қўли очик одамлардан эмасми Чори ака, ўн миллион сўм сарфлаб "Меҳнат-роҳат" маҳалласига артезиан қудуқ пармалатди. Тумандаги 13-умумий ўрта таълим мактабини таъмирлашга моддий ёрдам кўрсатди. Кам таъминланган иккита оиланинг олий ўқув юртиларида таълим олаётган фарзандлари учун контракт пулини тўлади. У бундай савоб ишларни ҳар кун амалга оширади. Нахот истаб келган эҳтиёжманд киши унинг эшигидан ноумид чиқмайди.

Омон ШУКУРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сурхондарё вилояти

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида техника воситалари, эҳтиёт қисмларга, айниқса, ТТЗ-80.11 русумли тракторга эҳтиёж катта. "Тошкент трактор заводи" ОАЖ жамоаси бу талабни қондириш учун астойдил интиломоқда.

Суратда: корхонанинг эҳтиёт қисмлар участкаси бошлиғи Абдусамат Маманов ҳамкасблари билан иш жараёнида.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.



Бу йил Хоразм вилоятида баҳорнинг дастлабки ойларида сув таъқислиги бўлганлига қарамай, ғалладан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Кўп туманларда гектардан 45-50 центнердан дон йиғиштириб олинди.

линоқда. 2008 йил ҳосили учун уруғлик ўз вақтида ва етарлича етказиб берилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, корхонамизда 22 минг тонналик ёпиқ сифим омборлари бўлиб, тагига темир-бетон

ларга эга ёпиқ сифимлар, дон сақлаш айвонлари мавжуд. Кейинчалик вақти, имкониятга қараб барча дон комбина-тимизга келтирилади. Донни қайта ишлашга қабул қилиш олдида унинг

Халқ ризқ-рўзи — муқаддас

"Боготдон" ОАЖ жамоаси ғаллани сақлаш ва сифатли қайта ишлашга айнан шундай ёндашмоқда

Баъзи фермер ҳўжаликларида хосилдорлик 60-70 центнергача қўтарилади. Етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш масъулияти зиммасига юклатилган корхоналарда бу борада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? "Боготдон" очик акциядорлик жамияти раиси Раҳимбой Аннамуродов ана шу ҳусусда қўйидагиларни гапириб берди:

— 115 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамиз Ҳазорасп ва Богот туманларида етиштирилган бугдойни қабул қилиб, қайта ишлайди. Амалдаги йилда маъзур икки туман фермерлари 15477 тонна сара дон хирмонини яраттишди. Ана шунинг 1821 тоннаси уруғлик, қолган қисми товарбон бугдой эди.

Корхонамизда уруғлик бугдойни қабул қилиш, сақлаш ва экишга тайёрлаш борасида илм-фан ютуқлари ва кўп йиллик тажрибалар асосида иш тутилаётгани боис фермерлар томонидан "Қулова", "Половчанка", "Крошка", ўзимизнинг "Андижон-2" наваларидан қокори ҳосил олиб ке-

тўшалган, усти ҳам шундай плиталар билан ёпилиб, ёмғир ўтмайдиган қилиб берилган. Дон топширишнинг қизгин паллаларида ҳар йили



вақтдан ютиш, тежамкорликка эришиш, заминдорларга қулай шариот яратиш мақсадида Ҳазорасп туманининг бир қисми ва Питнак худудида етиштирилган бугдой Ҳазорасп туман марказидаги шохобчада қабул қилинади ва маълум муддат сақланади. Бу ерда ҳам худди қокорида айтилганидек, барча шариот-

тозаллиги ва намига алоҳида эътибор қаратилади. Хом ашё доимий равишда лабораториямиз малакали ходимлари кузатувда бўлади. Агарда, омборлардаги бугдойнинг ҳарорати ошадиган бўлса, совутиш ускуналари ишлатилиб, ҳарорат белгиланган даражага келтирилади. Корхонамизда донни сақлаш учун барча имкониятлар яратилган. Дараза ромлари, эшик ва дарвазалар талабларга мос равишда қурилган, барча ускуналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ёпиқ сифимлардан ташқари, 7,2 минг тонналикдан иккита, 360 тонналикдан битта дон сақлаш айвонлари мавжуд. Шароитинг бундай талабга қавоиб бериши, албатта, кишиларимиз дастурхонини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан ўз вақтида залуқсиз равишда таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўхбатдош: Қулмурод ҚУРБОНОВ. Хоразм вилояти

Олис қишлоқлардаги замонавий шифо маскани

Бундан бир неча йиллар бурун олис тоғлар ва қир-адирлар бағридаги Қўшработ ва Нуробод қишлоқларида беморларга намуналий тиббий хизмат кўрсатиш анча мушкул эди. Тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари жуда кам бўлиб, борлари ҳам зарур бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмаганди. Ҳўш, эндиликда-чи?

Ҳар иккала туманда ҳам тиббий соҳада янгилашни сари дадил қадам ташлаган десак асло муболага қилмаган бўламиз. Масалан, Қўшработ-

лаётгани айна мудио бўлди. — дейди марказий шифохона бош вақри Аҳмад Қўшбоқов. — Аҳолига врачлик ёрдами кўрсатиш янада яқинлаштирилди. Фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнига, ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади. Улар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани боис, беморлар даволаниш учун олисдаги туман ёки вилоят марказига бориб юришмайди.

Нурободда эса бугунги кунда мавжуд марказий ва қишлоқ участка шифохоналари, қишлоқ врачлик, фельдшерлик-акушерлик пунктларида 122 нафар врач, 499 нафар ўрта махсус маълумотга эга тиббиёт ходимлари аҳолига намуналий хизмат кўрсатамоқда.

— Утган йили марказий шифохонани таъмирлаш учун ўттиз миллион сўм ажратилган, — дейди марказий шифохона бош вақри Каюм Азиев. — Ҳозирги даврда бу маблағ билан кўп иш бажариш қийин. Лекин туман ҳокимлиги ташаббуси ва ёрда-



ми билан тумандаги тадбиркорлар, ташкилотлар ва корхоналар кўмаги асосида қўпгина таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Энг қувонарлиси, "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" дастурлари бўйича Жаҳон Тараққиёт банки ажратган маблағ ҳисобидан қишлоқ врачлик пунктларимиз энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётганлигидир. Масалан, марказий шифохо-

намиз бароқамралар (қокори босимли қислорд билан даволаш аппарати), ҳамда Узи, Эндоскопия каби энг ноёб аппаратларга эга бўлди. Ана шундай шарт-шариот олис қишлоқлардаги врачлик пунктларида ҳам яратилганлиги шифоқорларга ҳам, аҳолига ҳам қулайлик тугдирмоқда.

Айниқса, ўтган йили "Меҳр Нури" хайрия жамғармаси томонидан "УАЗ-452" маркали автомашина ажратилганлиги, узоқ тоғ қишлоқларига бориш учун қулайлик яратмоқда. Фақат бир муаммомиз бор: телефон алоқа хизматидан қўйналмоқда. Олис қишлоқлардаги айрим врачлик ва фельдшерлик пунктларида телефон ўтказишнинг асло имконияти йўқ. Уяли телефонлардан ҳам алоқа қилиб бўлмаётти. Уялаймизки, яқин кунларда бу муаммо ҳам ечим топади.

Хуллас, Қўшработ ва Нурободдаги тиббиёт муассасалари Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги" Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизматини янада яхшилаш йўлида фидойийлик кўрсатиб ишламоқда.

Мамадйўр ЗИЁДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Самарқанд вилояти

YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

Зилзилалар қуршовида

Чилида бир неча кундан буён давом этаётган ер силкинishiлари икки юздан зиёд одамни ҳаётдан олиб кетган.



Охириги тўрт кун ичида содир бўлган энг кучли зилзила Рейхтер шкаласи бўйича 7,7 баллини қамраб олган. Бедарак кетганлар сони 200 нафар одамни ташкил этаётгани айтилмоқда. Ер силкинishi оқибатида мамлакатнинг Токопия шаҳри жиддий зиён кўрган. Шаҳарнинг минглаб тураржой бинолари вайрон бўлган. Токопия ва бир неча шаҳарлар табиий офат туфайли электр энергиясидан бахбара қолган. Зилзилалар яна бир неча кун давом этиши айтилмоқда.

Эски чироқлардан воз кечилади

Тайвань бундан бир асрдан зиёд вақт аввал ихтиро қилинган электр энергияси билан ишловчи чироқлардан 2012 йилга қадар воз кечди.

Мамлакат иқтисодий вазирлиги аъъанавий ёриткичлардан фойдаланиш ва сотувга чиқарилишига чек қўйилишини маълум қилган. Бундай чироқларнинг ўрнини янги диодли ёруғлик таратувчи манбалар эгаллашди.

Тайванди биргина ёритиш тизими йилига 26 миллиард қилловат/соат энергияни талаб этади. Ҳисоб-китобларга қўра, агар бутун мамлакат янги авлод ёриткичларидан фойдаланса, бу чикимлар 50 фоизгача ҳамда атмосферага захарли газларнинг чиқиши 20 фоизгача камади.

Шимолий Кавказда вазият яхши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Шимолий Кавказга инсонпарварлик ёрдамлари етказиб беришга чек қўяди.

Ташкилот мутахассислари Чеченистон ва Ингушетия каби республикаларни энди можароли худуд ҳисобланмаслигини тасдиқлашган. БМТ 2000 йилдан буён ушбу республикаларга 200 миллион АҚШ доллари миқдориди инсонпарварлик ёрдамини амалга оширган. Бу маблағлар асосан вақтинчалик лагерлардаги аҳолини ўй-жой билан таъминлаш инфраструктура, озик-овқат саноятини тиклаш учун сарф қилинган. Кузатувчилар фикрича, Чеченистон ва Ингушетиядаги вазият кун сайин яхшиланиб бормоқда ҳамда республика ҳукуматлари энди назоратни мустақил қўлга олишга тайёрдирлар.

республика ҳукуматлари энди назоратни мустақил қўлга олишга тайёрдирлар.

Натижалар тан олинди

Покистон олий суди мамлакатда бўлиб ўтган президентлик сайловларини қонуний деб топди.

Бу билан шу йилнинг 6 октябридаги сайловларда учинчи муддатга сайланган президент Парвез Мушаррафнинг ғалабасини инкор этувчи даъволар бекор қилинган. Шундан кейин даъволардан бири Мушаррафнинг ҳарбий бўлган ҳолда сайловларда иштирок этгани эди. Бу мамлакат конституциясида ман этилади. Покистон раҳбари мудофаа қўлариди фаолиятга чек қўйган президентлик лавозимини юртишига расман киришини айтган.

3 ноябрда Мушарраф олий суд сайлов натижаларини тан олавермаган, ушбу маҳкамани давлат ишларига ноҳақ ҳалал беришда айбланган эди. Шундан сўнг олий суд фаолияти тўхта-тилиб, расми лавозимдан четлатилганди.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ахлат қутисидан топилган қимматбаҳо асар

Нью-Йорк кўчалари ахлат қутисидан топилган расм Sotheby's аукциониди бир миллион АҚШ долларига сотилди.

Меқсикалик расм Рубино Тамайю томонидан ишлаган бу расмини 2003 йилда Элизабет Гибсан исми аёл топиб олган.

Меқсика халқининг миллий санъати ва аъъаналарини ўзида акс эттирган "Уч қаҳрамон" асарни 20 йил аввал Ҳьюстонда ҳақиқий эгасидан ўғирлаб кетилган эди. Бу расм йилгирма йил илгари 55 минг АҚШ доллари деб баҳоланган.

Томайонинг "Уч қаҳрамон"и ижодкорини аниқлаш учун мутахассислар тўрт йилдан оширок вақт бош қотиришган. Сотувдан тушган пулнинг тенг ярми расмини топиб олган аёлга берилган.

Кичик сармоянинг салмоқли самараси

“Микрокредитбанк”нинг Сурхондарё вилояти бошқармаси маблағлари ҳисобига шу йилнинг ўзида минглаб янги иш ўринлари яратилди

Республикамизда хусусий мулк, тадбиркорликнинг мавқеи ошиб, улар иқтисодийнинг таъинига айланди. Бу — ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсишини таъминлаш баробарида янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётган.

Бундай ижобий эришилган юзига чиқишда, албатта, республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари ҳам ўз ўрни бор. Зеро, молиявий муассасалар ўз диққат-эътиборларини хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратмоқдалар.



MIKROKREDITBANK

Акциядорлик-тижорат “Микрокредитбанк”нинг бу борада амалга ошираётган ишлари тахсинга лойиқ. Ушбу молиявий муассаса бозор му-

бўлиб, манфаат қўраётган миқозлар қўллаб топилади. Ана шундай инсонлардан бири Узун тумани Узун қишлоқ фуқаролар йиғини худудид-



носабатларини шакллантиришда катта ишларга қўл урмоқда. Яъни банк сармоялари тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, яъни тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни янада фаллаштириш сингари ўнлаб жабдаларга йўналтирилмоқда.

Ушбу банкнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси фаолияти билан танишиш жараёнида бунга яна бир қарра амин бўлди. Чунки воҳода ушбу банк хизматидан баҳраманд

бўлиб, манфаат қўраётган миқозлар қўллаб топилади. Ана шундай инсонлардан бири Узун тумани Узун қишлоқ фуқаролар йиғини худудид-

олиб, уларга касб сирларини ўргатмоқда.

Узунлик Умиджон Раҳмонов ҳам қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежини тамомлаганидан сўнг назарий билимларини амалиётда қўллаш учун 600000 сўмлик бошланғич сармояни айнан шу банкдан олди. Ҳозирги кунда Умиджон тайёрлаган дурадгорлик маҳсулотлари сифатлиги, пишиқлиги билан бозорда харидорини топиб бормоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар

ҚАРОР ВА ИЖРО

икки тадбиркор эндигина йигирма ёшдан ошган йиғитлар. Аввало ўзларининг интилишлари, изланишлари, қолаверса, банкнинг қўмаги билан улар айни пайтда оиласини моддий томондан таъминлаётди. Рўзгорга, маҳалла-қўйга нафи тегаяпти.

Банкмииз маблағидан фойдаланиб, ишيني юргизаётганлар бисёр, — дейди биз билан суҳбатда “Микрокредитбанк”нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Мўминжон Маҳмудов. — Яъни, бошқармамиз ҳамда туман филиалларимиз томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 2007 йил 1 ноябрь ҳолатига қўра, устав сармоясини шакллантириш, айланма маблағларини тўлдирши учун 2112 та микрозага 3669,6 миллион сўм микрозага микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида шу давр ичида вилояти-мизда 3026 та янги иш ўринлари ташкил топди. Демак, шунча инсон доимий иш билан таъминланди. Шунча оила моддий жиҳатдан манфаатдор бўляпти. Банкмииз томо-

нидан йил бошидан буюн 418 нафар аёл тадбиркорга 649,1 миллион, 841 та ёш оилага 971,1 миллион сўм микрокредит, 27 та ёш оилага эса 52 миллион сўмлик истеъмол кредитлари акратилди.

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги раванқига эътибор кучайтириляпти. Қишлоқ мулкдорлари — фермерларнинг меҳнати кадр топаёпти. Деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқ аҳолисига катта имконият умиёзлар яратиб берилмоқда. Бу борадаги ишларни янада жонлаштириш йўлида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётган. Шулардан бири Президентимизнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаш-



тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан. Ушбу ҳужжатда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни қўлайитириш вазифалари белгилаб қўйилган. Банк томонидан ушбу тармоққа ажратилган кредитлар салмоғи ҳам каттагина. Яъни ўтган вақт оралиғида бошқарма 437 та деҳқон ҳўжалиқларига 219,2 миллион сўм микрокредитлар берди. Бунинг натижасида ҳам 570 та янги иш

ўринлари яратилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам талайгина ижобий ишлар бажарилмоқда. Яъни жойларда терминаллар ўрнатилиб, пластик қарточкалар орқали муо-



ла қилиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда электрон тўлов бўйича пул жўнатиш хизмати жуда оммалашган. Шунини инобатга олган банк жамоаси бу борадаги ишларни ҳам яхши ташкил қилган. Банка қарашли бундай пул жўнатиш бўлимлари аҳоли хизматиди.

Мазкур молия муассасаси томонидан амалга ошириляётган барча тадбирлар банк фаолиятини универсаллаштириш, миқоз ва омонатчилар манфаатларини устувор қўйган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатини, савиясини кўтаришга қаратилгандир. Шунинг баробарида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида фол иштирок этиш бош вазифалардан саналади. Банк жамоаси аҳолининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун доимий изланишда. Сармоялар тадбиркорлик ҳамда бунёдкорлик йўлига йўналтирилмоқда. Бунинг самараси ижобий ўзгаришларда намоён бўляпти. Ушбу банкнинг “Ташаббус-2007” кўрик танловида вилоятдаги “Энг яхши молия муассасаси”, дея тан олинши бежиз эмас, албатта.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири, Сурхондарё вилояти.

Уч минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган Вангози қишлоғининг кишиларида деҳқонлар хунармандлар, тижоратчилару зуккорлар қони бор, дейишди. Қишлоқ оқсоқоли Музаффар ака Исматовнинг айтишича, Вангози бир неча минг йиллик тарихга эга. Бу ерда ишга тушган мой завод ва ун тегири-мони маҳсулотлари қўл-қўлга тегмайди. Коллеж ва мактабларда таълим олаётган ўғил-қизлар интернет орқали дунё билан боғланишга чоғланаётлар.

Вангози кўрки

Собиқ ҳўжалик идораси ўрнида фермер Бобонон Каримов томонидан қўриб битказилган гузар мажмуасида тикувчилик, зардўзлик, косиблик цехлари ишга тушиши натижасида қирқ нафар ёш иш билан таъминланди. Сура-ратхона ва сартарошхона

евнинг таъкидлашича, шу йилги пилла ҳосилини қайта ишлаш эвазига тайёрланган маҳсулотнинг 4 тоннаси Дубайга экспорт қилиниб, 64 минг АҚШ доллари тушумига эришилди. Мазкур қишлоқ корхонасида меҳнат қилватган ишчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Уларнинг соғлигини яхшилаш мақсадида дам олиш шихатхоналари йўналма-лар бепул берилмоқда. Мутахассислар меҳнатига қўра машоар миқдори 80 минг ва 100 минг сўмини ташкил этаётган. Биз вангозиларнинг бугунидан кўра эртаси янада қароғон бўлишига амин бўлди.

Жамиятда инсон омилига эътибор, кишилар соғлиғига гамхўрлик тобора ошиб бораётганини Қишлоқ сир касалликлари шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилиши мисолига яна бир бор қўриш мумкин. Лойиҳа асосида 1 миллион 300 миллион сўм микрокредит маблағ эвазига бунёд этилган 70 ўринли ушбу шифохона оқсоқоллар талаби билан 15 ўринли болалар ва ўсимлар бўлими ҳам ташкил этилди.

Ҳа, биз болажон халқимиз. Фарзандларимизнинг соғлом, бакуват бўлиши учун биз катталар масъулимиз. Келажагимиз эса бахтли фарзандларимизнинг камолга етиши туфайли янада оидин бўлаёк!

Бахриддин САДРИДДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири, Навоий вилояти

Тараққиёт

Экспорт кўпайиши — раванқ омили

Бешкент пахта тозалаш ОАЖ жамоаси ўз фаолиятини шунга йўналтирган

Корхона жорий йилда пахтакорларимиз етиштирган хом ашёдан қайта ишланган 1100 тоннадан ортиқ тола ва 250 тонна момиқни хорижга экспорт қилди. Бу соҳада россиялик ва хитойликлар энг яқин ҳамкор бўлмоқда.

— Бу йил Қарши тумани пахтакорлари 55 минг тонна қимматбахо санонат хом ашёси сотди, — дейди биз билан суҳбатда Бешкент пахта тозалаш ОАЖ раиси Ботир Мейлиев. — Ана шу ҳосилдан 19 минг 20 тонна тола олиш кўзда тутилган. Ҳозирги кўрсаткичлар чакки эмас. Пахтани қайта ишлаш натижасида тола чиқиши ўртача 34 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бу йил-

ги ҳосилни қайта ишлашни 8 сентябрдан бошлаган эдик. Ҳозиргача ишлаб чиқарилган тола 30 минг тоннадан ошди. Испаниянинг “Юбис” фирмаси технологияси асосида уруғлик шехи замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги боис барча жараёнларни назорат қилишни ҳам компьютерда амалга ошириш имконини бермоқда.

Жамиятимизда илгари толани чигитдан ажратадиган жин машинаси 2 та эди. Энди унинг сонини яна биттага оширдик. Шу ҳисобдан иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ижобий томонга ўзгарди. Утган йили бир суткада 55-60 тонна тола ишлаб чиқарган бўлсак, энди 80 тоннани ташкил этмоқда. Ишчи ўринлари ҳам кўпайди. Ҳозирги кунда ишчи-хизматчи, муҳандис-техниклар сони 700 кишига етди.

Ходимлар билим ва тажрибасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. “Юбис” фирмаси вакиллари келиб ходимларни замонавий ускуналарни ишлатиш, унинг ўзига хос хусусиятларидан сабоқ беришди. “Узпахтасаноат” уюшмаси қошидаги курсда лаборатория иши бўйича Марям Норқулова ва Бехзод Эгамов малака ошириб қайтишди. Шунингдек, технолог Анвар Худойбердиев ҳам ушбу курсда ўз малакасини оширди.

Бешкентлик пахта тозаловчиларнинг аҳди қатъий. Улар хом ашёни тез ва сифатли қайта ишлаш ниятидалар.

Хусан ТЕМИРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири, Қашқадарё вилояти

Мавсум муаммосиз ўтади

Давлатимиз раҳбари Исмоил Каримовнинг шу йил 2 майда қабул қилинган “Республика иқтисодий тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Сирдарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоятда аҳолига “Узтрансгаз” акциядорлик компаниясига қарашли 14 газ тақсимлаш станцияси орқали таби-

ий газ етказиб берилди. Мавсумга тайёргарлик давомида газ тармоқлари ва тақсимлаш қурилмаларининг техник ҳолатини яхшилашга

ЖАРАЁН

алоҳида эътибор қаратилди. 18,6 километр масофага янги қувурлар ўтказилиб, 34,2 километрлик газ тармоқлари қайта таъмирланди.

— Ушбу тадбирлар натижасида 5 миңг 200 хонадонда

иссиқлик таъминоти янада яхшиланди, — дейди Сирдарё вилоят, шаҳар ва туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Шавкат Худойёров. — Қишқи мавсумини самарали ўтказиш мақсадида бошқармамизда доимий диспетчер пункти ташкил этилган. Газ таъминотида узил-кўрил бўлмас, истеъмолчилар қаерга ва қимга мурожаат қилишини яхши билади.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири, Сирдарё вилояти

Аҳолига қулайлик

Ижтимоий ҳимоя йилда чор-атрофи ўркак тоғлар, яшил арчазор, эжиб табиат мўъжизалари билан ястаниб ётган Шоҳимардон қишлоғи аҳолиси ва зиёратчилар учун ўзига хос қулайлик яратилди.

Бу ерда бир вақтнинг ўзида 500 абонентга хизмат кўрсатишга ихтисослашган янги телефон тармоғи фойдаланишга топширилди. Эндиликда қишлоқ аҳли дунёнинг исталган мамлакатлари билан тўғридан-тўғри телефон орқали суҳбатлашиши, интернет тармоқларига уланishi сингари замонавий сервис хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

— Жорий йилда Фаргона туманидаги Чимён, Охунбобов туманидаги Қорақушиқ қишлоқлари ҳам ана шундай замонавий телефон алоқа тармоқлари ишга тушди, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Фаргона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Н. Турғунов.

“Туркистон-пресс” Фаргона вилояти

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ “Беларус” ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун ЭХТИЁТ қисмларни тақлиф этади.

Манзилмииз: Тошкент ш., Бротислав көчеси, 11.

Тел: 281-40-33, 281-40-90, 281-40-75

KAMMAZ ARSENAL

Корхоналар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

“Ўзбектелеком” АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан минглаб километр узунликда металл қобили ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линияларини ўтказишга қаратилган ишларни амалга оширишга қаратилган. Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмаслик шартлиги кўрсатиб ўтилган.



МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ КИЛУВЧИ БОГЛАМАЛАР МАНЗИЛЛАРИ:

“Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали: Тошкент ш. А.Толстой кўчаси, 23 ком-р.

ЛКЦ-0 Тошкент ш.	144-61-08,
КУ-1 Тўйпена	132-01-26, 144-29-59
КУ-1 Ф-л Ангрэн	50-36-79, 380-40-35
ЛТЦ Бекобод	21-306, 21-121, 186-57-51
	2-27-61, 186-57-51
	2-54-11, 316-97-53

1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш. А.Ходжаев к-си, 29.

КУ-1 Тош. шаҳри. Буюк Ипак йўли, 264.	135-36-59
КУ-2 Янгийўл ш. Чарикова, 172.	65-80-43
КУ-3 Тўйпена ш.	168-72-86
	168-48-51

2-ШМАТБ манзил: Қўқон ш. Истиклол -58.

КУ-2 Бешарик т.марк. Сирдарё қўч., 9.	55-2-24-71
КУ-3 Наманган ш. Нуробод масс. телевизшка.	61-2-23-66
КУ-4 Андижон ш. Чўлпон-9.	25-08-82
КУ-5 Янгийўрғон т. маркази Чустий кўч-1.	22-23-81
	52-9-24-55

3-ШМАТБ манзил: Гулистон ш. Дўстлик қўрғ.

КУ Сирдарё	27-16-20
КУ Жиззах	57-28-98, 57-34-36
ЛТЦ-2 Янгийер	77-05-27, 6-22-07
	72-30-28, 72-30-24

4-ШМАТБ манзил: Булунгур ш. Самарқанд-18.

КУ Сирдарё	33-52-60
------------	----------

5-ШМАТБ манзил: Бухоро ш. Ғиждувон-69.

КУ Жиззах	223-38-37
-----------	-----------

6-ШМАТБ манзил: Нукус ш. Ашқобод -1.

КУ Тўртқўл ш.	222-37-07, 222-00-43
КУ Беруний ш.	532-30-80, 1-42 (ички)
	524-30-60, 1-38 (ички)

7-ШМАТБ манзил: Термиз ш. Гагарин-32.

ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07
	7-37-62

8-ШМАТБ манзил: Қарши ш. Хуснобод-1.

ЛТЦ-15 Гузар ш.	221-02-41
	55-22-1-67

9-ШМАТБ манзил: Урганч ш. Дусов-2.

	226-36-58, 226-36-33
--	----------------------

10-ШМАТБ манзил: Навоий ш. Кармана-26.

КУ-3 Каттақўрғон ш.	224-75-21
КУ-4 Ғиждувон ш.	45-5-24-54
	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш

- Жумладан:**
- Рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
 - Кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томоркалар ташкил этиш;
 - Кабель магистраль алоқа линиялар ўтган жойларини кўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
 - Турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
 - Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазих, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
 - Турли хил қичқидилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
 - Магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёкиш

ТАҚИҚЛАНАДИ!

Хушёр ва эҳтиёткор бўлинг! Алоқа кабелларининг шикастланишига йўл қўйманг!

“Ўзбектелеком” АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

ЎҚИНГ, ҚИЗИК
Бедананинг зоти кўп

Бедана киргивуллар оиласига мансуб кушлардан бўлиб, ер юзининг кўпгина ўлкаларида учрайди. Табиатда унинг бир қанча зоти бор. Улар яшаш жойларининг географик ва табиий шароитига мослашиб, ўз тусларини ўзгартирилади. Юртимиздаги беданаларнинг туси тупроқ рангида бўлиши ҳам шундан бўлса керак.



Оддий ва соқра беданалар кўп учрайди. Соқур томонларда яшайдиган беданалар қишлаш учун Осиёга ҳамда ўрта Осиёга гала-гала бўлиб учиб келишади.

Тухуми шифобахш хусусиятга эга. Шимолий Кавказдаги Хоста деган жойда бедана фермаси бор. Бу ерда Япония оролларида алоҳида зотдор беданалар келтирилган бўлиб, макиёвлари кун ошмай тухум қилади. Баҳор келиши билан бедананинг тухуми кўйиш даври бошланади. Ана шу даврда нар бедана макйён қақириб, кечкурун ва эрталаблари кўп ва узок сайрайди. Макйён тухум кўйишдан олдин буталар орасига хашак тўшаб, уя қуради. Бир йўла 20 тагача тухум қўяди ва 17-20 кун мобайнида бола очиб чиқади.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"
Иситгичнинг кўлболаси — талафотнинг балоси

Одам боласи яхши орзу-ниятлар билан яшайди. Бировлар ёзи билан курган уйда тўй қилиш нияти бўлса, бошқаси хонадонини янги жиҳозлар билан безаш, молу мулкни бадастир қилиш истаги билан овора. Бунда ёнгин хавфсизлиги ходимининг ҳам ўзига яраша хизмати бор. Унинг мақсад-муддаоси ягона — кишиларнинг меҳнат маҳсули — уйи, мол-мулкни ёнгин деган офатдан асрашдир. Айниқса, киш фаслида фуқароларнинг турар-жойларида иситиш ва ёритиш воситаларида нотўғри фойдаланиши оқибатида ноҳуш ҳолатлар юзага келади.

Шу йилнинг ноябрь ойида Навоий вилояти Хатирчи тумани Жалор қишлоғида ёнгин содир бўлиши оқибатида уй шифти ва жиҳозлар, жами 100 кв. метр жой куйиб, кулга айланган. Бу ҳодисанинг юз беришига аса иситиш дуббурининг ўзобимчаллик билан, махсус ихтисосликдаги қурилиш идораси билан маслаҳатлашмай, нотўғри қурилганлиги сабаб бўлганлиги аниқланган. Худди шу ойда Наманган вилояти Норин туманида ҳам резина шланг орқали иситиш пеленга табиий газ тортиб, ёққ ҳолда назоратсиз қолдирилганлиги натижасида 90 кв. метр жой ёниб кетганди.

Агар иситиш ва ёритиш мосламала-

ридан нотўғри фойдаланиши оқибатлари ҳақида батафсилроқ фикр юритиладиган бўлса, ўтган йилнинг кузги-қишқи мавсумида республика бўйича 4767 та турли даражада ёнгин руй берганлиги ва уларнинг ҳаммаси баъзи бир шахсларнинг лоқайдлиги оқибати эканлиги маълум бўлади. Бу ёнгинларда жами 286 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган, бир неча кишиларнинг аса олов икканжасида қолиб, ҳаётдан бевақт қўз юмганлиги, қолаверса, ёнгинлардан жамиятимиз 546 миллион сўмлик моддий зарар кўрганлигининг ўзиёқ кишиларни 2007-2008 йилги қишқи мавсумга жиддий ва масъулият билан тайёргарлик кўришига ундайди.

Ўтган мавсумда иситиш пеленари, газ плиталари ҳамда электр ёритгич воситаларидан нотўғри фойдаланиш, техник носоз мосламалари қўллаш оқибатида қўллаб кишилар моддий ва маънавий зарар кўрдилар. Албатта, бу йилги қиш қандай бўлади-ю, унга тайёргарлик қай даражада кечмоқда, деган ҳақли савол кишини ўйлантириши шубҳасиз. Аввало,

қишга тайёргарлик бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан тадбирий режалар ишлаб чиқилган бўлиб, бу режалар ҳозирги кунда амалга ошириб келинаётир. Бунга республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" ҳамда "Ўзбектрансгаз" давлат акциядорлик компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва жойларда амалга оширилаётган режалар бунга мисол бўла олади.

Режага асосан жойларда 248 та гуруҳлар тузилиб, ушбу гуруҳларда Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари, газ ва электр идоралари ходимлари, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим ходимлари, даволаш муассасалари, ҳокимият ва жамоатчилик вакилларидан ташкил топган гуруҳлар томонидан бугунги кунга қадар рейдлар ўтказилиб, 2 миллион 463 минг 530 та ўйлар, 28 минг 283 та кўп қаватли ўйлар, 35869 та қорхона ва ташкилотлар текшириб чиқилди, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этилишига қўл олинди. Ёнгин хавфсизлиги қондаларини кўпол равишда бузаётган айрим ташкилот ва муассаса раҳбарларига нисбатан маъмурий қоралар кўрилмоқда.

Киш — масъулиятли давр. Бу мавсумда ҳеч бир хонадон ёки оиланинг иситиш ёки ёритиш мосламаларидан азият чекишларига йўл қўймайлик, қолаверса, бошқа кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда ҳар бир идора ва ташкилот, айниқса, маҳаллалар жамоалари баҳамжирликда иш олиб бораётган, ёнгинларнинг олди олинад.

Улугбек ВАФОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЕХББ ЕХТГ муҳандиси, катта лейтенант.

Уй меҳнати

ундан ҳам хонадонга, ҳам қорхонага манфаат етади

Пахтакор туманидаги "Раъно" кичик қорхонаси раҳбари Раъно Ёқубова ҳам 16 нафар айлининг бошини қовуштириб, тикувчилик, зардўзлик билан шугулланмоқда.

— Бежирим ҳам арзон маҳсулотларимизга талаб катта, сўраб келувчилар кўп, — дейди у.

да маблаг ажратди. Шу йўналишда 8 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. 5600 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қасаначи-



зишган.

Вилоятда ўтган даврда уй меҳнати ташкил этилиб, 4261 нафар хотин-қизлар иш билан

лиқни ривожлантириш орқали ажодларимиздан мерос бўлиб келаятган хунармандчиликнинг айрим турларини — қосибчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчиликни сақлаб қолиш, уларни авлодларга етказиш, қисқаса аёналаримиз ва урф-одатларимизни янада тақомиллаштиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бўрибой НОРКУЛОВ

СУРАТДА: "Раъно" кичик қорхонаси зардўзлари.

Муаллиф олган сурат.

Жиззах вилояти

Фармон ва ижро

Таъминланди. Улар тикувчилик, гиламчилик, каштачилик, паррандчилик, чорвачилик, қолаверса, сабзавотчилик билан шугулланмоқда. Қасаначиларга ўтган даврда тижорат банклари 3,6 миллион сўм, қорхона маблағлари ҳисобидан 14,6 миллион сўм, бандлик жамғармаси ҳисобидан 131,9 миллион сўм миқдори-

да маблаг ажратди. Шу йўналишда 8 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. 5600 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Вовайн нома?

Дизайн французча "безак", италияча "чизма" дегани. У энг ёш соҳалардан ҳисобланади, келиб чиқиши XIX аср охири ва XX аср бошлари, сановат ривожланиши билан боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир давлатда ўз урф-одатлари асосида шаклланиб боради, дизайн, дизайнлар мавжуд.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Барча соҳаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳар томонлама ис-теъмолчи талабларига жавоб бериши, кўркам бўлиши ло-

зим. Бугунги кунда бозор юзими кўраётган мингглаб маҳсулотлар ўртасида вужудга келадиган рақобат эса айнан шу қабз эгаларига масъулият юқлайди. Дизайнингнинг тақомиллашу ва соддалашув турлари мавжуд бўлиб, тақомиллашув дизайни доимий ҳолда мукамаллашиб боради ҳамда ҳар мавсумга муркаб ва гўзал, айни чоғда кишини ўзига жалб этадиган услубларни тақдим этади. Соддалашув дизайни эса содда, турли, ортиқча безак,

ҳашамдорликдан холи экани, мавсумга қараб қулайлиги билан харидорни жалб этадиган услубни тақдим этади.

Дизайнер — айтилиши оддий бўлган бу сўз ўз соҳасининг эгаларидан расомлик қобилияти билан бир қаторда юксак дид, математик маҳорат, қобилият ва кучли тасавури талаб этади. Ҳар касбининг машаққатли ва гўзал томонлари бўлгани каби бугунги кунда шу қасбни танлаб, ўз соҳасида фаолият юритаётган ёшлар талайгина. Дизайнер-

лик касбининг ҳам нозик жиҳатлари мавжуддир.

— Айнан бу йилги мавсум либослари эса соддалашув дизайни асосида тақдим этилади, — дейишмоқда мутахассислар. Бундан билиш мусикини, содда шаклга эга, кўриниши оддий, функционал жиҳатдан қулай бўлган маҳсулот ёки либослар урф бўлади. Либослар учун қизил ранг, уй безаклари учун оқ ва пушти ранг, мебелларда эса тўтиб ва кулранг каби ранглари кўриш мумкин. Айнан соддалашув дизайни бугунги кунда ҳар бир соҳага ўзини қулайлик, ичмач кўриниши, ортиқча безаклардан холи ва камхаржлилиги билан кириб келаятган бўлса не ажаб!

Мухайё МУХТОРОВА

SPORT OLAMIDA

Бронза ҳам чакки эмас

Чехия пойтахти Прага шаҳрида самбо бўйича Жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда юртимиз спортчилари ҳам иштирок этишди. Равшан Аҳмеджон мураббийлигидаги терма жамоасиз 2 та бронзани қўлга киритишди.

Дастлаб 57 килограмм вазнда гиламга чиққан Шўҳрат Муродов биринчи медални ютиб олишга муваффақ бўлди. Сўнгра юртимизнинг кўзга кўринган самбочиси Ақобир Қурбонов (90 кг) ярим финалда рақибига имкониятини бой бериб қўйди. Бироқ ўчинчи ўрин учун ўтказилган беллашувада омад ҳамюртимиз томонидан бўлди. Айлар баҳсида Дилором Қамбаровга 80 килограмм вазн тоифасида бешинчи ўрин билан кифояланди.

Сўнги ўйинда сармаҳсуллик

"Пекин — 2008" сари йўлга чиққан Вадим Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси фақатгина сўнги ўйинда мазмулли ўйин кўрсатди. Мазкур ўйинга Денис Хайдаров ва Виталий Денисовгина жалб этилмади. Қолган барча отакчилар ўз даражаларини тўп суришди.

Вадим Абрамов илк марта учрашуви 4 химоячи билан бошлади. "Рубин" футболчиси Вагиз Галиулин ўнг қанот ярим химоясида ҳаракат қилди ва у энг фаол ўйнаган футболчиларимиздан бири бўлди. У баҳсда 2 та голга муаллифлик қилди. Яна бир гол Фарход Тожиев номига ёзилди. Бироқ рақиб дарвозасини уч бор нишонга олган вакилларимиз ўз дарвозаларидан шунча тўп олиб чиқиди. Шундай қилиб, олимпиячиларимиз олти учрашувда 3 очко жамғариб, гуруҳда сўнги ўринни эгаллашди.

Варгас кучлими ёки Майорга?

Бугун АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида профессионал бокс кечаси ташкиллаштирилади. Ундаги асосий эътибор икки собиқ чемпионнинг учрашувига қаратилади. Биринчи ўрта вазнининг кўп йиллик чемпиони Фернандо Варгас яримўрта вазнда доврўқ қозонган Риккардо Майорга билан куч синашади.

Иккала боксчи турли йилларда ҳар хил камар соҳиби бўлишган, бироқ ҳозирда боксчилар ўз ўнвонларидан маҳрум. Энди чемпионлиқни қайтариш учун улар кетма-кет жанг ўтказиб, керакли очколарни жамғаришлари лозим.

Учрашувдан олдин боксмеркерлик компаниялари ва мутахассислар Фернандо Варгас галабасини тахмин қилишмоқда. Бироқ Риккардо Майорга тарафдорлари барча тахминларни йўққа чиқариш мақсадида машғулотларга жиддий киришишган. Жанг қолиби яна чемпионлик камари учун баҳс олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади.

Суннатилла ИСЛОМОВ

"AVTOTRAK" корхонаси
ЗИЛ..., ГАЗ-52,53..., ПАЗ...,КАВЗ
автомобилларига
дизеллар ўрнатади ва тегишли хўжжатлар беради
Автомобилларга ўрнатиладиган ҳолатда таъмирланган Д-243 (МТЗ) Д-144 (Т-28) ДИЗЕЛЛАР ВА А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авна" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР, "КАРУС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ СОТАДИ.
Вилоятлардан электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарлар, худудларда иш ташкил этувчи вакиллари ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ
Манзиллими: Тошкент ш., Корпус-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекети.
Телефонлар: 159-48-00.
Кечкурун 112-90-43

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Туркиянинг хоржий сармои иштирокчида "Eurokonsept" МЧК (СТИР 205848027) ўз Нисом жағмарчасини 485797,28 АҚШ долларидан 299598,38 АҚШ долларига қасмайтираётганлигини маълум қилади.
Маълумот учун телефон: (8-7071) 54-075, 54-844.

Автотранспорт — кредит ва лизингга!
РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ
ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ —
AVTODOM PLUS
"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларини сотади.
Ҳақ тўлаш исталган усулда!
"ГАЗ-31105"
"ГАЗ-3302" русумли тентли юк машинаси
"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина
"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сийғимли сут ташин машинаси
"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус
"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси
700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти куйидаги мутахассислар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

06.01.11 — ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилиш — 2 та ўрин;

03.00.09 — энтомология — 2 та ўрин.
Хўжжатлар 2007 йил 1 декабргача қабул қилинади.

Манзил: Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-ўйи.
Тел.: 260-48-05.

Тошкент Давлат Аграр университетини жамоаси Ўқув-методика бўлими бошлиғи муовини, "Ўсимликшунослик" кафедраси доценти

Абдуҳаким АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Ағитбай АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибхона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР
Тижорат мақола
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт" илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табок.
Офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00
Адади - 13166
Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
2 3 4 5 6